

**ЖАМОЛ КАМОЛ ШЕЪРЛАРИДА ЎЗБЕК-ТОЖИК
АДАБИЁТИДАГИ АНЪАНАВИЙ ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАР ВА
ОБРАЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ**

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.77.67.038>

Акрамова Сураё Ренатовна,

*Бухоро давлат университети, Бошланғич таълим назарияси
кафедраси ўқитувчиси*

***Аннотация.** Ушбу мақолада тилнинг ижтимоий ҳодиса экани, турли лисоний бирлик ва образлар, атаманинг анъанавийликка асосланиши орқали адабиётдаги акси Жамол Камол шеърларидан фойдаланган ҳолда очиқ берилди.*

***Калит сўзлар:** Жамол Камол, ўзбек-тожик, лисоний бирлик, образ, адабиёт.*

**ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРАДИЦИОННЫХ ЯЗЫКОВЫХ ЕДИНИЦ
И ОБРАЗОВ В УЗБЕКСКО-ТАДЖИКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ В
СТИХОТВОРЕНИЯХ ДЖАМАЛА КАМАЛА**

Акрамова Сураё Ренатовна

*Бухарский государственный университет,
преподаватель кафедры теории начального образования*

***Аннотация.** В данной статье раскрывается, что язык - это социальное явление, с использованием различных языковых единиц и образов, отражение термина в литературе через стихотворения Джамала Кемала.*

***Ключевые слова:** Джамал Камал, узбекско-таджикский, языковое единство, образ, литература.*

**THE USE OF TRADITIONAL LINGUISTIC UNITS AND IMAGES
IN UZBEK-TAJIK LITERATURE IN THE POEMS OF JAMAL KAMAL**

Akramova Surayo Renatovna

*Bukhara State University,
Lecturer at the Department of Theory of Primary Education*

***Abstract.** . This article reveals that language is a social phenomenon, using various linguistic units and images, the reflection of the term in literature through the poems of Jamal Kemal.*

***Key words:** Jamal Kamal, Uzbek-Tajik, linguistic unity, image, literature.*

Биров тайёрагоҳда дедиким
менга:эронийман,
Манам қўл чўздиму дарҳол,
Дедим унга:туронийман...
Кулишдик...Дедиким менга:
Туронда акс этар Эрон,
Сени кўрсам, кўзим қувнаб,
ширинсўз, хушзабонийман. (Ж.Камол)

Кўп асрлик тарих гувоҳки, ўзбек ва тожик халқлари Марказий Осиёнинг жаннатмонанд ҳудудида елкама-елка яшаб, бир дарёдан сув ичиб, шу ўлкани обод қилиб, маданият ва санъатини ривожлантириб, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшиб келаётгани адабиёт оламида ҳам бегона эмас. Бу халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, маданияти муштараклиги ҳақида кўплаб мисол келтириш мумкин. Ўрта асрларда, Иккинчи уйғониш (ренессанс) даврида ўз ижоди билан бутун Шарқни қойиллатган Алишер Навоий билан Абдурахмон Жомий дўстлиги ўзбек ва тожик халқлари тарихидаги ёрқин саҳифалари эмасми?

Бу матлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 9-10 март кунлари Тожикистонга тарихий ташрифи чоғида икки буюк мутафаккир шоирнинг ибратомуз дўстлигига оид китобни Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмонга ҳадя қилиш асносида алоҳида таъкидланган эди. Бу рамзий маънога эга. Чунки икки мутафаккир дўстлиги бир неча асрдирки, халқларимиз яқинлигига нур ва шукуҳ бағишлаб келмоқда. Икки халқ адабиётининг дўстлиги, айниқса, зуллисонайнлик (икки тилда баробар ижод қилиш) анъаналарида биз аввало элларимизнинг маънавияти муштараклигини ҳис этамиз. Шукурки, аждодлар анъанаси янги давру замонларида янгича аҳамият касб этиб келмоқда. Бу ҳақда яқин тарихимиз ҳам сўзлайди. Тарих эса буюк муаллим. Шу тариқа, Ғафур Ғулум, Ойбек ва Садриддин Айнию Мирзо Турсунзодалар, Абдулло Орипову Эркин Воҳидов ва Лоик Шералиларнинг дўстона алоқаларига ҳам назар ташлаш мумкин.

Ҳаётимизнинг қайси соҳасини олмайлик, биз – ўзбек ва тожик халқларининг бирлиги таъсирини кўрамиз. Халқларимиз қалбидаги меҳру садоқат, маънавият ва руҳият мана шу бирликни мустаҳкамлаш, тараннум этиш йўлида оҳанрабо ва бир-бирларига тортувчи, элтувчи жозиба кучидир. Бу эса халқлар дўстлиги ва бугунги кунда жуда муҳим бўлган маданиятлараро мулоқот (сўзлашуви)да муҳим омил ҳисобланади. Тилшунослигимизда ҳам бевосита бадиий матн антропоцентризи оламнинг индивидуал-муаллифлик манзарасини, муайян этноснинг миллий маданиятини, менталитетини, турмуш тарзини, унинг анъаналари ва маданий қадриятларини акс эттириши

асосланган;

стилистик воситалар муайян тарихий, бадий, мифологик, диний ва бошқа характердаги билимлар структурасини етказиб берувчи когнитив модел эканлиги исботланган; миллий-маданий хусусият матнда миллий маркерланган тил бирликлари (сўз-реалиялар, фразеологик бирликлар), миллий шартланган маданий концепталар, миллий маркерланган стилистик воситалар ва контекстлар, миллий маданиятга алоқадор миллий анъаналар, маросимлар ва ҳодисаларда намоён бўлиши далилланган;

оламнинг миллий манзараси тилшуносликда қайд этилган оламнинг содда манзараси, оламнинг илмий манзараси, оламнинг бадий манзараси, оламнинг индивидуал-муаллифлик манзараси каби манзара типлари билан чамбарчас боғлиқлиги асосланган; миллий-маданий ўзига хосликда рамз, аллюзия, метафора, литота каби стилистик воситаларнинг муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланиб келган. Бу, айниқса, ўзбек-тожик лисонида ўз исботини топган.

Бу борада Т.Б. Радбиль таъкидлаганидек, «...ибтидоий онг миқёсида менталитет деб атаб келинган нарса қадимдан бизнинг экзистенциал тажрибамизнинг шартсиз мавжудлиги сифатида ҳис қилинади. Бунга бизни фольклордан олинган маълумотлар, хусусан, миллий мавзудаги латифалар, фразеологизм, мақол ва маталларнинг лисоний материали ҳамда фалсафий, маданий ва адабий анъаналар ишонтиради».

Биз устоз Жамол Камол шеърларининг ҳар қатида бу лингвомаданий муштаракликни кўрамиз. Аслида, тилшунослик бўйича замонавий тадқиқотларда «образ», «образлилик» атамалари тез-тез учраб туради. Лисоний образлилик масаласи айни пайтда ҳам қадимий, ҳам янги ҳисобланади. Қадимийлиги шундаки, унинг айрим аспекти, жумладан, образлиликни яратувчи асосий воситалар – метафора ва ўхшатиш – анча олдин антик риторика асарларида кўриб чиқилган.

Ўзбек мумтоз шеъриятида ҳам бир-бирига кўчиш, нафақат лисоний, образлар муштаракликка гувоҳ бўламиз, ҳатто анъанавий поетик образлар тизими мавжуд. Мумтоз шеъриятда ой, юлдуз, куёш тимсоллари маъшуқа ва ошиқ образини ифодалаб келса, Ж.Камол ижодига мансуб ғазалларда ҳам айни шу ҳолатни кўриш мумкин.

Бир санам янглиғ тикарму
Кўкда олтин кашта ой
Бир санам деб ё фалак
Саҳросида саргашта ой.

Юқоридаги сатрларда ой дастлабки сатрга маъшуқага қиёс этилиши орқали метафорик маъно кўчишни юзага чиқарган. Кейинги мисрада эса ошиқ тимсолини акс эттириб келмоқда. Яъни «бир санам» – суюкли

ёр учун ой – ошиқ фалак саҳросида саргашта кезади. Ойнинг кўкда кезиши бунда тамсилни юзага келтирган. Шу билан бирга «с» товуши асосида (саҳросида саргашта) ҳосил қилинган аллитерация ҳам поетик фикр таъсирчанлигини таъмин этган. Бу ҳолат маъшуқаси ишқида ёнган ошиқ ҳолатига ҳамоҳангдир.

Бошим узра ноз айлаб,
Кулди моҳ саҳарларда,
Айладим ўшал ойга
Илтижо саҳарларда...

Ушбу сатрларда эса моҳ метафорик маъно кўчиши орқали, ой маъшуқа тимсолини ифодалаб келмоқда. Лирик қаҳрамон – ошиқнинг боши узра ноз айлаб, кулган моҳ севиқли ёр. Бунда ҳам тамсилий фикр бор. Яъни тонгда ҳали осмон юлдуз ва ой бўлади, у ёришиши билан ўз ўрнини куёшга бўшатиб беради.

Ёнар киприқларим нур торидек
Юлдуз чароғинда.
Ичарман тоза бир сув орзунинг
Ойдин булоғинда

Мазкур байтда юлдуз метафорик семаси севиқли маъшуқа образини ифода этиб келмоқда. Яъни лирик қаҳрамон ошиқнинг киприқлари юлдуз шуъласида нур торидек товланади. Бунда юлдуз семаси севиқли маъшуқа образини ифодалаб келмоқда. «Орзунинг ойдин булоғи» метафорик топилмаси шоир ижодини безаб туради. Бунда ойнинг ёруғи назарда тутилмоқда.

Узун киприқлари гулгун,
Дудоқлар гунча-ю хандон.
Чизилган жонли тасвирдек,
Бирам нозик, бирам нозик.

Жамол Камол ғазалидаги ушбу сатрларда маъшуқанинг гўзаллиги: киприқлари, дудоғини тасвирлашда ўзбек мумтоз адабиётига хос бўлган анъанавийлик мавжудлигини кузатамиз. Бу эса ҳассос шоир Ж. Камол шеърини билан мумтоз адабиётда учрайдиган метафорик образларда муштараклик борлигидан далолат беради.

Бошинг узра айланур
Минг турли дунё, юлдузим
Айламиш шу баҳри нур
Бағрингни кимё, юлдузим.

Юқоридаги сатрларда ҳам юлдуз семаси суюқли ёр образини намоён этади. Унинг бошида айланган минг турли дунё семаси–муҳаббат изтиробларини ўзида акс эттиради. Мумтоз ғазалиётда оҳангдорликни, муסיқийликни таъминлаш мақсадида товуш такрорини қўллаш

ҳолати ҳам анъанавий ҳисобланади. Жамол Камолнинг ғазалларини ўрганишдаги изланишларимизда аллитерация орқали поетик фикрни таъсирчан ифодалаш хусусияти кўзга ташланади.

Санамо, сочларинг силсиласи
Тоғдаги сунбулми, нигор.
Қоматинг сувратини
Сарву санобар билдим.

Юқоридаги сатрларда «с» товуши (санамо, сочларинг, силсиласи, сунбул, суврат, сарву санобар) орқали товуш такрори ҳосил қилинган. Маъшуканинг сочи тоғдаги сунбулга, қомати сарв- санобарга ўхшатилади. Сунбул тоғда ўсадиган ўсимлик, туриши сочининг тўкилиб туришига ўхшайди. Сарв эса тик ўсадиган чиройли дарахт. Қоматни сарвга ўхшатиш ҳам анъанавий метафорик кўчимлардан бўлиб, «Муҳаббатнома»сида қуйидаги мисралар орқали фикрларимизни далиллашга асос бўлади:

Бўюнг сарв-у санувбартек, белинг қил,
Вафо қилғон кишиларга вафо қил.

Мазкур байтда аллитерация оҳангдорликни, муסיқийликни таъминлашдан ташқари метафорик ўхшатишларнинг ўзига хос намуналарини вужудга келтирган:

Гоҳи Чўлпонсан мунаввар,
Гоҳи бир Зухройи зар,
Гоҳи маънос жилвагар,
Сузгун Сурайё юлдузим.

Юқоридаги сатрларда ҳам «з» (Зухройи зар), «с» (Сузгун Сурайё) асосида аллитерация яратилган. Чўлпон, Зухро, Сурайё – юлдузларнинг номлари ҳам маъшуқа тимсолини ифодалашда иштирок этатган метафорик кўчимдир. Чўлпон – ёрқин нур сочувчи юлдуз, Зухро – Ер сайёрасига яқин юлдуз, Сурайё эса бир гуруҳ юлдузлар номини ифодалайди. Шу маъноларидан келиб чиқиб, шоир ёрни ташбеҳлайди. «Зухройи зар», «сузгун Сурайё» бирикмалари товуш аллитерациясидан ташқари, юлдузларнинг ҳам хусусиятларини ифодалаб келади. Жамол Камолнинг ғазалчилигида ҳам янги мумтоз адабиёт образлари билан муштаракликни, ҳам янги метафорик образларни учратамиз:

Эй, чаман ичра назокатли
Гулим, мажнунтол.
Ўрама сочинг зилол –
Сувга солибсан тол-тол...

Байтда ёр мажнунтолга ташбеҳланганки, буни шоир ижодидаги янгиланиш сифатида баҳолаш мумкин.

Жамол Камол мумтоз ғазалиётда қўлланган анъанавий метафорик

образлардан ҳам унумли фойдаланган. Бу эса Жамол Камол ғазалиётининг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари билан муштарак эканидан далолатдир.

«Образлилик» атамаси, юқорида қайд этилганидек, лисоний адабиётларда тез-тез учраб туради, бироқ турли тадқиқотчилар унга турлича талқин берадилар. Мазкур атаманинг талқин қилинишида уч асосий йўналишни аниқлаш мумкин: 1) Тилшуносликда «умумий образлилик назарияси» деб ном олган мазкур категориянинг кенг тушунилиши. Бу йўналишнинг назарияси адабий асарнинг ҳар бир сўзи ортида образ туради, дея эътироф этади. Бундан келиб чиқадики, образ, бир томондан, фалсафий жиҳатдан инсон онгида сўзлар ёрдамида кодлаштирилган борлиқнинг инъикоси сифатида, иккинчи томондан эса, образлилик таъсири функционал стилнинг маълум доираси, яъни бадиий адабиёт билан чекланган тарзда намоён бўлади. 2) Иккинчи йўналиш образлиликни экспрессивлик билан тенглаштиради ва бу икки атама бир-бирига нисбатан тўлиқ синонимик бирликлар сифатида қўлланилади. Бу билан образлилик тушунчаси анча-мунчага тораяди. Экспрессивлик образлиликка қараганда анча кенг тушунча. Экспрессивликни яратишда синтактик, морфологик ва фонетик воситалар иштирок этиши мумкин. Бунда бир томонлама боғлиқлик кузатилади: образлилик доимо экспрессивдир, экспрессивлик ҳар доим ҳам образли бўлавермайди. Образ ибораларда ўзининг асосий хусусиятини, яъни семантик жиҳатдан икки тмонламалигини сақлаб қолсада, бироқ бунда фразеологик образлиликка хос қатор жиҳатларни қайд этиш мумкин. Фразеологизм таркибан серсўзлилиги боис, унга мураккаб структурали образлилик хос. Агар сўзлар миқёсида образларни яратиш механизми бир лисоний бирлик, яъни сўздаги икки семантик жиҳатларнинг ўзаро таъсирлашувларига бориб тақалса, фразеологизмлар учун икки маъновий қатламлар ўртасида хилма-хилликка бой алоқалар мавжудлиги хос.

Хулоса қилиб айтганда, турли лисоний бирликлар, образлар у ёки бу адабиётга, у ёки бу тилга тегишли эмас. Тил ижтимоий ҳодиса экан, лингвомаданий алоқалар амалга ошаверади. Ижодкор эса унинг қайсидир семасини вазият талаби билан доминантага айлантириши кузатилади. Биз Жамол Камол шеърятидан намуналар келтириш билан бу фикрларимизни бир қадар асослашга ҳаракат қилдик, холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт, санъат ва маданият яшаса, миллат ва халқ, бутун инсоният безавол яшайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари»

мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги.
[www. xabar.uz](http://www.xabar.uz)

2. Жамол Камол. Аср билан видолашув. Сайланма. I жилд. –Тошкент: Фан, 2007.

3. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1981.

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006.

5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.